Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 28 СЕНТЯБРЬ, сешанба, № 72 (6.028). Сотувда эркин нархда

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади».

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасидан).

Жумадан сешанбагача

КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● **Марказий Осиё халқлари маданиятлари ассамблеясига аъзо бўлган Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон республикаларининг таниқли маданият арбоблари Марказий Осиё халқлари маданият арбобларига Мурожаатнома йўллаб, минтақада халқаро терроризмга қарши курашда фаол бўлишга, уларнинг ёвуз ниятларини фош этишга, сергак ва ҳушёр туришга чақирдилар.**

● **Ўзбекистон Республикаси Олий судининг пленуми бўлди. Унда «Фуқаролик Кодекси»ни татбиқ этиш билан боғлиқ суд амалиётида юзага келаётган айрим масалалар, шунингдек, фуқаролик ишларини қараб чиқиш муддатлари ҳақидаги масала муҳокама этилди.**

● **Бухорода Республика Вазирлар Маҳкамасининг истеъмол бозори масалалари бўйича комиссияси мажлиси бўлди. Мажлисда истеъмол бозорини зарур махсулотлар билан ўзлуксиз таъминлаш билан боғлиқ вазифалар кўриб чиқилди.**

● **Наманганда ўрта ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган анжуман бўлди. Республика Давлат мулкини бошқариш қўмитаси раҳбарлари, мутахассислари бу борадаги долзарб вазифалар ҳақида чиқишлар қилдилар. Қизғин фикр алмашув бўлди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институтида халқаро конференция бўлди. Анжуманда жумладан мамлакатимизда бўлажак сайловлар хусусида батафсил фикр юритилди.**

● **Ўзбекистон Бадиий академиясида Бадиий академия аъзоси, Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, уста-кулол Акбар Раҳимовнинг шахсий кўргазмаси очилди. Маросимда сиёсат, санъат, маданият арбоблари, хорижлик меҳмонлар қатнашдилар.**

● **Футбол бўйича республика олий лигаси чемпионатининг навбатдаги тури марказий ўйини Тошкентдаги «Пахтакор» стадионида бўлди. «Пахтакор» ва «Нефтчи» жамоалари ўйинида меҳмонлар 2-1 ҳисобида устун келдилар.**

МУСАФФО ОСМОН, ЧАРАҚЛАГАН ҚУЁШ, БЕБАҲО ВАТАН!

ЕР БИЛАН ЯКСОН БЎЛСИН!

Бу қандай бедодлик!

Тинч-хотиржам яшаётган аҳолини ўз уйидан ҳайдаб чиқаришса, мол-мулкини, кийим-кечакларини тортиб олишса! Ўзларини гаровга олиб, одамлардан, тирик жонлардан қалқон сифатида фойдаланишса!

Кеча телевизор кўриб ўтириб юрак бағрим эзилиб кетди. Бу қанақаси? Бу балоказо қўшнимиз ерига қаердан ёпирилди? Бу манқуртларни кимлар ишга соляпти? Юзлаб, минглаб одамларни азоб-қийноққа солиб, минглаб-миллионлаб одамларнинг тинчлик-хотиржамлигини ўғирлаётган бу қора қузғунларга ҳам Аллоҳнинг боққан балоси бордир?!

Қўшнинг тинч, сен тинч деб бежиз айтишмаган экан. Қирғизистондаги воқеалар бошлангандан бери биз ҳам безовтамиз. Икки жонимиз ушаёқда. Тезроқ бу босқинчи жангарилар даф бўлса деймиз.

Аскар ўғлонларим, марду майдонларим, чегараларимизни янаям ҳушёрлик билан, янаям сергаклик билан қуриқланглар. Она еримизга у қонхўрларнинг бирор қарич қадам босишига йўл қўйманглар. Сизлардан биз оналарнинг илтижоси шу.

Дунёда она қарғиши, она нафратидан ҳам оғир жазо йўқ дейишади. Илоҳо, уруш оловини ёқмоқчи бўлаётган у қабоҳат бандалари ер билан яксон бўлсин! Қора ниятлари, ёвуз ниятлари ўзи билан кетсин.

Қаноатхон АБДУЛЛАЕВА,
Фарғона вилояти, Данғара тумани.

ҲИСОБЛИ ДУНЁ БУ

Ҳисобли дунё дейдилар. Дунё дунё бўлиб ҳеч бир ҳодиса, ҳеч бир қиймиш беқибат қолган эмас. Бир гуруҳ террорчи-жангариларнинг қўшни Қирғизистон ҳудудидаги қабиҳликлари кўп қатори биз нуронийларни ҳам беҳад ғазаблантирмоқда. Улар тоғларга уя қуриб олиб, Боткен ва Қадамжой туманларидаги Сой ва Сир қишлоқлари аҳолисининг оғзидаги овқатигача, ҳатто иссиқ кийим бошларигача тортиб олаётганликлари инсон боласига хос бўлмаган бир иш, ваҳшийликнинг ўзгинасидир.

Бу жангариларнинг талвасага тушаётгани белгиси.

Тинч аҳолига тажовуз қилиш, ўлдириш, талаш бу оғир, кечириб бўлмас гуноҳдир. Уларнинг бу қилмишлари барча-барчанинг нафратини қўзғаяпти. Демак, жангарилар узоққа боролмайдилар. Халқнинг дуои бадига учраб тез орада ер билан яксон бўладилар.

Биз оқсоқоллар Президентимизнинг кучларни бирлаштириб, террорчи жангариларга биргаликда зарба бериш ҳақидаги таклифларини ғоят ўринли деб ўйлаймиз. Биз юртбошимизга ишонамиз. Аскар йигитларимизга ишонамиз! Чегараларимиз мустаҳкам. Жангарилар хомтама бўлмасинлар. Биз мустақиллигимизни, тинчлик-хотиржамлигимизни ҳеч кимга, ҳеч қачон бермаймиз!

Жўрахон УМРЗОҚОВ.
Наманган вилояти, Поп тумани «Нуроний» жамғармасининг раиси

БОТКЕН: ЖАНГАРИЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ БАШАРАСИ ОЧИЛМОҚДА

Бир неча кун илгари матбуот саҳифаларида Қирғизистоннинг Боткен туманига кириб олган босқинчи тўдалар халқаро террорчилик марказларидан ташқари, наркомафия билан ҳам мустаҳкам алоқада эканини ёзган эдик. Куни кеча Қирғизистон жанубида юз берган воқеалар буни яна бир карра тасдиқлади. РАТА-ТАСС Ахборот Маҳкамаси тарқатган хабарда айтилишича, Боткендаги жангарилар ташлаб кетган ҳудудларда шприцлар, шунингдек, наркотик модда солинган ампулалар топилган. Бу хабар Қирғизистон армиясининг Боткендаги бўлинмаларидан олинган маълумотларга таянилган ҳолда тарқатилган. Шундай қилиб, разведкачилар ўтказган рейдлар натижасида жангариларнинг наркобизнесга алоқадорлигигина эмас, балки уларнинг ўзлари ҳам банги бўлиб қолгани аниқланди.

Хабарда таъкидланишича босқинчилар ҳукумат қўшинлари билан жангга киришишдан аввал наркотик модда истеъмол қилган. Уларнинг сарҳуш ҳолда урушаётганини эса, жангарилар жанг майдонида ўзини қандай тутишидан ҳам осон билиб олиш мумкин экан. Ҳарбий мутахассислар фақат оғу таъсиридагина шундай ҳатти-ҳаракат қилиш мумкин, — деган фикрни билдирмоқда. Яъни, жангарилар урушар экан, баъзида беўхшов, баъзида бетартиб, баъзида эса оддий жанг тактикасига зид равишда «саводсиз» ҳаракат қиладилар. Ўша пайти улар бир дайди ўқ муқаррар ҳалокат эканини англамайди ёки зўравонликни меъёрдан ошириб юборади ва ҳоказо.

Қирғизистондан келаётган хабарларга кўра, жангарилар Хужаочкан, Зарголи ва бошқа қишлоқларда тинч аҳоли вакилларига зуғум ўтказиб, қурол ўқталган ҳолда уларни турли оғир ишларни бажаришга мажбур қилмоқда. Жумладан, одамларнинг молҳоллари, озиқ-овқатини тортиб олаётир, ёши, жинси ва жисмоний ҳолатига қарамай, уларни ҳандак қазиш, истеҳкомларни мустаҳкамлашда ишлатмоқда. Бундан табиий савол туғилади. Хўш, бегуноҳ ва беозор инсонларни хўрлаш динда борми? Олдига аллақандай «улуғ» мақсадлар қўйган одамлар шундай пасткашликка қодирми? Албатта, йўқ. Улар шунчаки, одамгарчиликдан чиқиб қолган махлуқлардир. Боткендаги жанг майдонидан топилган ашёвий далиллар — бангилик излари буни тасдиқлаб турибди.

Жангариларнинг гиёҳвандлигини тасдиқлайдиган яна бир омил шуки, улар орасида ўз кучига ишонмаслик, тушкунлик кайфияти ҳукмрон. Бу хусусда Қирғизистон Президенти маъмурияти баёнот бериб, босқинчилар орасида ишончсизлик ҳоллари, ўзаро ғараз, парокандалик тобора авж олаётганини айтди. Айтиш мумкинки, жангариларнинг ҳатти-ҳаракати уларнинг муайян мақсадсиз, эътиқодсиз шахслар эканлигини кўрсатмоқда.

Айни пайтда босқинчи тўдалар ҳукумат армиясининг қуршовида қолган. Тоғларда эса ҳаво тобора совиб бормоқда. Озиқ-овқат ва иссиқ кийим-кечак танқислиги, муқим турар-жой йўқлиги уларнинг наркотик ёрдамида «метинлашган» иродасини борган сари букаётир. Тўдаларда ички келишмовчиликлар борлиги ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Масалан, яқинда ҳукумат қўшинлари билан бўлган навбатдаги тўқнашувда жангарилар орасида ўзига хос мавқеъга эга бўлган Абдулазиз Йўлдошев халок бўлди ва унинг жасади жанг майдонида қолиб кетди. Ваҳоланки, жангарилар шу кунгача бирор марта ўз сафдошларининг жасадини қолдириб кетмаган эди. Бундан хулоса шулки, ё жангарилар уни ўлдириб шу ерга ташлаб кетган ёки унинг ҳалок бўлганидан ортиқча қайғуда эмас. Демак, тўда орасида А.Йўлдошев билан келиша олмай юрганлар анчагина.

Илгари хабар қилинганидек, жангариларнинг қарийб ярмини 18-20 яшар ўсмирлар ташкил қилади. Уларнинг кўпчилиги бошлиқларининг зўравонлиги остида сафни тарк этолмай юрибди.

Хуллас, сўнгги воқеалар жангарилар шаҳдининг сусаяётганидан, хуфя қилмишлари аста-секин зоҳир бўлиб, асл башаралари очилаётганидан далолат бермоқда.

(ЎзА).

«ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ» – СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ

Мустақил мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги энг муҳим воқеалар, янгиликлардан хабардор бўлиб боришни хоҳлайсизми? Ислоҳотлар қандай натижалар бераётганлиги, агросаноат мажмуидаги, жаҳон қишлоқ хўжалигидаги қимматли тажрибалар, ... ва ... соҳасидаги ... ...

ДЕМОКРАТИЯ ВА САЙЛОВ

Айни паллада бутун мамлакатимиз бўйлаб бўлажак сайловларга тайёргарлик ишлари жиддий тус олган. Шу муносабат билан мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Ҳалим Бобоев билан суҳбатлашди.

— Дастлаб, сайловчиларнинг ҳамда сайланиш арафасида турган фуқароларнинг айни пайтдаги вазифалари хусусида фикр билдирсангиз?

— Бўлажак сайловларни тўла демократик тартибда ўтказиш учун ҳаммамиз киришмоғимиз лозим. Бунда сайловчиларнинг ҳам, сайланаётганларнинг ҳам асосий бурчи шундан иборатки, улар ҳар битта масалага ошкора, одилона ва жиддийлик билан ёндошишлари шарт.

Ҳар бир жамиятда ўтаётган сайлов жараёнига қараб, ҳокимият ва халқнинг маънавиятини, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий савиясини, қудратини сўзсиз англаб олиш мумкин. Маълумки мустақил Ўзбекистон ҳудудий жиҳатдан шарқда жойлашган. Демак, ошкоралик, адолат деганда биз албатта шарқона урф-одатларимизни ҳам унутмаслигимиз зарур.

— Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, сайловлар борасида қандай ишлар амалга оширилди. Бу борада қандай қонун-қоидалар мавжуд?

— Сайлов масаласига ҳар бир мустақил мамлакатда алоҳида эътибор берилади. Шу жумладан бизда ҳам. 1991 йил «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, 1993 йил «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, 1998 йилдан амал қила бошлаган «Ўзбекистон Республикаси сайлов комиссияси тўғрисидаги қонунлар истиқлолга эришганимиздан сўнг қабул қилинган бўлиб, фақат адолат мезонлари билан суғорилган.

ТАРАДДУД

Биз ҳуқуқий-демократик жамиятнинг эркин фуқаролари сифатида шуни аниқ билишимиз шартки, қонун қабул қилиниши — барча масалалар тўлиқ ҳал этилди дегани эмас. Президентимиз таъкидлаганидек, қонунларнинг қабул қилиниши, бу — ишнинг эллик фоизи, қолган эллик фоизини эса унинг ижроси, ҳаётга тадбиқ этилиши ташкил қилади.

— Сайловлар пайтида тўғрилик, тенглик ва адолат тамойилларини асосан қандай чора-тадбирлар кафолатлайди?

— Қайсики мамлакатда фуқароларнинг сиёсий фаоллиги юқори бўлса бу — ўша халқнинг ютуғи, бойлиги ҳисобланади. Ташқарида томошабин бўлиб турмасдан, юз бераётган воқеа ва ўзгаришларга вақтида фикр билдириш ҳар биримизнинг ҳуқуқий, виждоний бурчимиз. Биз қанча фаол бўлсак, сайловларимиз шунчалик адолатли ўтади. Қолаверса, мавжуд Конституциямиз, қонун-қоидаларимизнинг ҳаммаси адолат ва ҳалоллик тамойилларининг ёрқин кафолатидир.

Эндиликда сайловлар мамлакатимизда кўппартиявийлик асосида ўтказилмоқда. Ҳар битта партия ва ҳокимлик вакиллик органлари истаган номзодини кўрсатиши мумкин. Шунингдек, фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари ҳам ўз номзодлари учун овоз бериш ҳуқуқига эгадир. Сайловлар албатта тенг, яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

— Сайлов масъулияти ҳақида нималар дея оласиз?

— Сайловда ҳамиша қонун устиворлигига эришиш лозим. Фуқароларга эркин овоз бериш ҳуқуқи берилганлигининг ўзи катта гап. Бу ҳам демократиянинг асосий кўринишларидан бири. Муҳими ҳар бир сайловчи виждонан иш қилиши, эринмасдан ўйлаб кўриши лозим. Қайсики номзодга овоз берилса, демак, сайловчи ўша шахсга ўз тақдирини ишониб топширган ҳисобланади. Бас шундай экан, бу борада улкан масъулият турганлигини эътироф этмай, масалага жиддий ёндашмай иложи йўқ.

Агарда мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси сайловлар жараёнида мавжуд қонун-қоидаларга, ўзбекона урф-одатларга оғишмай амал қилса биз олдимизга қўйилган мақсадларга эришамиз.

Суҳбатдош Нормурод МУСОМОВ.

(Боши 1-бетда)

бўлди. Кузда 578 гектар ерга ғалла экилди. Эрта кўкламдан 757 гектар ерга андижонликлар усулида чигит қадалди. Деҳқонлар ерга, экинларга ўз мулкидай қарашга одатлана бошладилар.

— Одамлар ширин муомилага, аниқ ишга, бошқарувнинг мададига чанқоқ эдилар, — дейди Муртазо Ҳожиматов. — Ишимиз анча енгил кўчди. Ҳали ғалла ўримига тушмай биз топширилажак ҳосил учун бўнак бердик. Техникани вақтида шайладик, оилавий ижаранинг мазмуни,

ТИҚЛАНИШ

моҳияти, унинг мажбурияти, бурчи, ҳуқуқини яхшилаб тушунтирдик, зарур ҳолларда ёрдамни аямадик.

Бир пайтлар қолоқ ҳисобланган Йўлдош Ҳожиматов номли ширкат хўжалиги ғаллакорлари бу йил қабул пунктларига шартномада белгиланганидан қарийб юз тонна кўп дон топширишди. Деҳқон уйига дон кирди, кўнгли тўқ бўлди. Ғаллачиликдан 27 миллион сўм даромад олинди. Унинг ярмини соф фойда ташкил этади.

Пахтачилик хўжаликнинг асосий тармоғи ҳисобланади. Хўжалик деҳқонлари давлатга 2 минг тоннадан кўпроқ пахта сотишга аҳд қилишган. Далаларда эса режадаги ҳосил бор. Айникса, Тўлаган Исоқов, Муҳиддин Низомов, Абдужалил Мадаминов ва бошқалар раҳбар бўлган оилавий пудратчилар далаларида пахта қийғос очилган. Кўл терими бошлаб юборилди.

Ҳа, Бўка туманидаги Йўлдош Ҳожиматов номли хўжалик аста-секин ночорликдан иқтисодий бақувват жамоалар сафига кириб бормоқда. Бунда раис Муртазо Ҳожиматовнинг раҳбарлик, ишни ташкил этиш усуллари кўл келаётир.

Мўмин ҚАЮМ.

МУЛКДОРНИНГ МЎЛ ҲОСИЛИ

Рейимбой аканинг тадбиркор сифатида иш бошлаганига 10 йилдан ошди. Дастлаб 1987 йилда 40 гектар ер олиб «Дўстлик» кооперативини тузган эди. Ишлари юришди, худо омадини берди. Шу-шу ҳақиқий тадбиркор бўлиб қолди. Қорақалпоғистоннинг Беруний туманида ҳурматэҳтиромга эга бўлди. Бугунги кунда у киши ҳаммаси бўлиб 167 гектар ерга эгалик қилмоқда. Деҳқончилик экинларидан ташқари яхши ният билан 30000 туп жийда, 25000 туп терак ҳам эккан.

Шу кунларда Рейимбой ака яна бир савоб ишга қўл урди. Бир гектар майдонга анор кўчатлари ўтказди. Демак, яна 3-4 йилдан сўнг ушбу жамоа аъзолари энг хуштаъм анорлар билан ҳам савдо-сотиқ қилишни йўлга қўйишади. Бугунги кунда 10 гектар ердаги бўлиқ ҳосилли шолини ўришга киришишди. Мақсад ҳосилдорликни 25 центнерга етказиш. 90 гектардаги пахтани териш ишлари ҳам авж олди. Ҳосилдан бўшаган ерларга кузги дон экиш ишлари ҳам ўз милида давом этмоқда.

Барчамизга аёнки, тадбиркорликнинг ҳам ўзига хос ташвишлар бор. Бу иш эринчқоликни, ўзибуларчиликни, дангасаликни ёқтирмайди. Ҳамма нарса вақтни тежаш, мавжуд шарт-шароитни ҳисобга олиб меҳнат қилиш ҳамда ишбилармонлик билан ўлчанади. Рейимбой аканинг энг катта ютуғи шуки, у ҳар қандай шароитда ҳам тўғри хулоса чиқара олади, баъзида кўнгилчанлик, баъзида эса қаттиққўллик қилади. Замоннинг зайлига қараб иш юритади. Бугунги кунда унинг корхонасида 2 та шудгорлаш техникаси, 2 та МТЗ-80 русумли, 2 та Т-28Х4, «Енисей» комбайни унум билан ишлатилмоқда. У киши буларнинг ҳаммасини меҳнат қилиб топган, яъни шахсий даромад эвазига сотиб олган.

Инсон қаерда яшамасин, ҳақиқий меҳнат қилсагина ўз орзуларига эришади. Мана беруниийлик Рейимбой ака ҳам 10 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида бутун оила аъзолари билан бирга тинимсиз меҳнат қилиб кўнглидаги ниятларига етяпти. 5 нафар ўғлининг ҳаммасини уйлижойли қилди. Келинлари ҳам ўзига ўхшаб меҳнаткаш.

ШУНДАЙ ИНСОНЛАР БОР

Ўғилларининг ҳаммасига енгил автмашина олиб берди. Ўзи эса йилтиллаган «Нексия»ни миниб юрибди. Рўзғорида ҳамма нарса етарли. У кишининг оиласи жудаям катта. 5 ўғил, 4 нафар қизидан ташқари 30 та невара, 5 та чевараси бор. Рафиқаси — Саодат момонинг ҳам фарзандлари, невара-чевараларининг келажагидан кўнгли тўқ. Гапнинг сирасини айтганда, бу оила бундай дориламон кунларга етгунча анча-мунча қийинчиликларни ҳам бошидан ўтказди. Ҳар қандай шароитда ҳам меҳнатдан қочмади. Ўз даврида Саодат момо Қорақалпоғистон Республикаси Жўғорғи Кенгесининг депутати бўлган. Иш бор жойда албатта камчилик ҳам бўлади. Агарда бугун Рейимбой акадан «Қандай муаммолардан кўпроқ ташвиш чекасиз?» деб сурасангиз у киши экинларни суғориш масаласида кўпроқ қийналаётганлигидан гапирди. Сабаби, 1960 йилларга мослаб қазилган канал бугунги кун талабига жавоб бермайди. Йиллар ўтиши билан экин майдонлари кенгайди. Натижада сув танқислиги келиб чиқди. У кишининг бирдан бир мақсади туман ҳокимлиги билан келишган ҳолда эски канални кенгайтириш ва суғориш масаласидаги муаммоларнинг охирига етиш. Афсуски, бу борада ҳозирча ҳеч қандай натижа сезилмаяпти.

1994 йилда Рейимбой ака «Қорақалпоқтехникатаъминот» бирлашмасига қарашли Хўжайли туманидаги «Жаҳонгир» ҳиссадорлик жамиятига катта миқдорда пахта толасини сотган. Бироқ бу ташкилот «Рейимбой Юлдашев» хусусий корхонасига шартномада кўрсатилган маблағнинг 685000 сўмини ҳалигача бергани йўқ. Айни паллада Рейимбой ака «Жаҳонгир» ҳиссадорлик жамиятидан ушбу маблағни ололмасдан хуноб. Жамият раиси Абдураим Досжонов ҳар сафар қарздан қутилиш ўрнига «Ортиқча маблагимиз йўқ» дея баҳона қилади.

Замон ўзгарди, одамлар боқибеғамликдан, дангасаликдан қочиб меҳнат қилишга, ҳалол пул топишга ўрганмоқда, алқисса рўзғорларга барака энди. Дастурхонларимиз аввалгисидан кўра тўкин-сочин бўлаётир. Рейимбой ака бугунги кунда кичик-кичик муаммоларни ҳисобга олмаганда дўпписини осмонга отиб яшаса арзийди. Негаки, тинимсиз қилинган меҳнат, фидойилик, ҳалоллик, поклик ўз самарасини берди. Ҳозирда Рейимбой Юлдашев корхонасининг ҳисоб рақамида миллион-миллион маблағ бор. Корхона аъзолари қаерга қўл узатса етади.

Қорақалпоғистон Республикасида Рейимбой акага ўхшаган тадбиркорлар истаганча топилади. Бугун уларнинг ҳаммаси бирикиб, ушбу юрт манфаати учун тер тўкмоқдалар. «Тома-тома кўл бўлур» деганларидек, кичик-кичик хирмонлар тобора йириклашмоқда. Шу туфайли Қорақалпоғистонда ҳам фаровонлик, ҳамжиҳатлик ортиб бормоқда. Ҳамма томондан ўзига хос салоҳиятга эришилмоқда. Ниятимиз, юртимизда Рейимбой Юлдашевга ўхшаган тадбиркорлар кўпаяверсин. Улар мамлакатимизнинг нурли келажагини кафолатлайдиган инсонлардир.

Муҳаммадсобир АЙТИМОВ, журналист.

ЯХШИ ХАБАРЛАР

ХОНГУЛ КЎПАЙМОҚДА

Оролбўйидаги экологик фалокат зонасида ҳозир 4 та кўриқхона мавжуд. Шундан иккитаси Ўзбекистон ҳудудида жойлашган. Улардан бири Қизилқум кўриқхонаси, иккинчиси эса Оролбўйидаги Бадайтўқай кўриқхонасидир. Бу Қорақалпоғистон ҳудудида жойлашган ягона кўриқхонадир. У Амударёнинг ўнг соҳилида, Нукусдан тўқсон километр жанубда бўлиб, олти минг гектарга яқин майдонни эгаллайди.

Бадайтўқай кўриқхонасига 1971 йилда асос солинган. Уни барпо этишдан асосий мақсад Амударё қуйи оқимидаги тўқайзорларни асраш, бу ҳудудда яшовчи ва ўсувчи ноёб ҳайвонлар ҳамда ўсимликларни муҳофаза қилишдир.

Кўриқхонада аввалаб-асралаётган энг қимматли ҳайвонлардан бири Хонгул — Бухоро кийигидир. Бир вақтлар Хонгул кийиклари жуда камайиб кетган ва табиатни муҳофаза қилиш халқаро уюшмаси ҳамда Ўзбекистоннинг қизил китобига киритилган.

Бу ажойиб чиройли ҳайвонни сақлаб қолиш учун вақтида барча зарур чоралар кўрилгани туфайли ҳозир кийиклар анча кўпайгани қайд этилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича улар Бадайтўқай кўриқхонаси экология тизимига бироз ортиқчалик ҳам қилмоқда.

(ЎзА).

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ШАҲАРЧАСИ

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида сезиларли ўрин тутадиган «Газли—Нукус» темир йўлининг энг мураккаб қисми: «Қоратоғ—Тўрткўл» трассасида из ётқизиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Айни вақтда Элликқалъа туманида темирйўлчилар шаҳарчаси бунёд этилаётир. Беш минг аҳоли истиқомат қиладиган шаҳарчада 230 та икки қаватли турар жой бинолари, локомотив депоси, марказий устахона, қишлоқ врачлик пункти, 422 ўринли мактаб ва бошқа маданий-маиший муассасалар қурилади. Лойиҳада темирйўлчиларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида қуриқдан бир ярим минг гектар ер ўзлаштириш, суғориш ва мелиорация тармоқларини тортиш ҳам кўзда тутилган.

Янги шаҳарчага йил охирига қадар темирйўлчилар дастлабки оилалари кўчиб келади.

А.ИСКАНДАРОВ, ЎзА мухбири.

ХИРМОНГА БАРАКА

пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1999 йил 27 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

вилоятлар:	Топшириққа нисбатан фоиз ҳисобида	
	бир кунда	мавсум бошидан
1. Андижон	2.27	67.49
2. Сурхондарё	1.65	50.57
3. Навоий	3.50	46.13
4. Фарғона	2.96	45.63
5. Хоразм	2.54	45.31
6. Бухоро	5.53	40.54
7. Қашқадарё	3.52	39.02
8. Самарқанд	4.10	33.28
9. Қорақалпоғистон Республикаси	1.51	30.08
10. Наманган	2.81	26.19
11. Сирдарё	2.28	15.02
12. Жиззах	2.38	13.91
13. Тошкент	2.97	10.79
Республика бўйича	**2.95**	**36.28**
Тонна ҳисобида	**117697**	**1451069**

Ғузор туманида томат пастаси ишлаб чиқариш масъулияти чекланган жамияти иш бошлаганига ҳали унчалик кўп бўлгани йўқ. Корхона йилига 2400—3000 тонна помидорни қайта ишлашга мослашган бўлиб, ҳар куни 80—100 тонна маҳсулот қайта ишланмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1) Ишчи Наимова Нозигул. 2) Корхона бошлиғи Иботов Чори (ўртада) ишчилар Нурбоева Маърифат ҳамда Алиева Ҳидоятхонлар билан тайёр маҳсулотларни кўздан кечирмоқда.

Абдурасул ПАРДАЕВ олган суратлар.

1999-йил 28-сентябрь №72 (6.028).

ФЕРМЕР БЎЛИШ ОСОН ЭМАС

(Боши 1-бетда)

— Худога шукр, — дейди Чори ака, — қандай шароит бўлмасин, режани бажариб келяпмиз. Бу йил туманимизда занг касали оқибатида ғалла бўлмади. Қўшниларимиз 9—10 центнердан ҳосил олган бир пайтда биз ҳосилдорликни 35 центнерга етказдик. Кўз тегмасин, пахтамиз ҳам яхши, ким деганда 40 центнердан ҳосил йиғиштириб олиш ниятидамиз. Аммо... Иш бор жойда муаммолар ҳам бўлар экан. Ўрни келганда айтмасам бўлмайди. Биз — фермерларга бошқача кўз, бошқача назар билан қараш ҳали ҳам давом этяпти. Тўғриси, ҳар томонлама сиқувдамиз. Суғориш тўсиқ ва қаршиликлар бўлиб турибди. Бир мисол, ғўзага бериш учун олиб келган 5 тонна азотли ўғитни ҳафта-ўн кун ўтяпти, далага чиқаролмайман. Бугун ҳам хўжалик раиси Холмат Муҳаммадиевга учрашиб келдим. Дори соладиган тракторни бир кунгагина беришини сўрадим. Ва беришини, на бермаслигини айтди. Қачон трактор оламан, қачон дорини ғўзага бериб бўламан, билмайман. Бошим қотди. Бундай «тормоз»ларни фақат менда эмас, бошқа фермерларда ҳам кўришингиз мумкин.

Қийин, кимга қийин, биз — фермерларга бўлиб қолди. Қайси тракторни олиб ишлатмайлик, бажарган ишига пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўлаган ҳолда тракторчига айтган сўмини нақд беришга мажбурмиз. Масалан, кеча тракторчига 3 минг сўм беришимни айтган эдим. Рози бўлгандек эди. Аммо келмади. Оз, деган бўлса керак-да...

Хуллас, гапирсак гап кўп. Орият кучлилигидан фермерлик қиляпман. Қандайсан, деб сўрайдиган одам йўқ. Ҳокимнинг олдига келган эдим. Тополмадим.

Бу ёғини сўрасангиз пулни ўз вақтида ололмаймиз. Тола пулини ҳалигача беришмади. Пахта ёғи, шелуха, қунжара сингари бизга тегишли маҳсулотлар ҳам кимларнингдир айби билан берилмаяпти. Шартнома қоғозда бор-у, амалда йўқ. Узун тумани деҳқон-фермерлар уюшмаси раҳбари М. Азизовнинг ташкилотчилигини, бизга жонкуярлигини кўрмаяпмиз. Шундай бўлгач, фермернинг иши юришармиди?..

Чори ака «Серҳаракат» жамоа хўжалигида 45 та фермер хўжалиги борлиги, уларнинг аксариятида ишнинг бориши яхши эмаслигини таъкидлади.

...Мўмин Бозоров бошлиқ фермер хўжалигини олиб кўрайлик. Унинг «Дўстлик» фермер хўжалиги 1998 йилда ташкил топган... 15 гектар майдонда пахта етиштирмоқда. Айтишларича, ғузага чигит суви бериш муддатидан 40-45 кун ўтган бўлса-да, экинини суғора олмаган. У ҳам Чори акадек, катта қийинчилик билан олиб келган бир тележка азот ўғитини вақтида экинига сололмаган.

— Ҳар куни эрталаб далага олиб бораман, кечқурун эса чопиқ тракторига тиркаб, албатта пул берган ҳолда қайтариб келаман, — дейди у. — Қачонгача давом этади бу ҳол, билмайман...

Ўғит кўрмаган, сув ичмаган ғўза қандай бўлишини кўз олдингизга келтиринг. Ана шу пайкалдан кутилган ҳосилни олиб бўладими?

Афсуски, ривожланишдан орқада қолган бундай ғўза майдонлари Узун туманида ягона эмас. Ачинарлиси яна шундаки, унинг аксарияти фермер хўжаликларига қарашлидир. Умуман олганда, фермерлик осон иш эмаслигини Узун туманида кўпчилик тушуниб қолди. Чори ака юқорида айтганидек, фермерларнинг кўпи орият учунгина меҳнат қилмоқдалар. Иш натижаси эса қониқарли бўлмаяпти. Масалан, ғаллани оладиган бўлсак, фермерлар ихтиёрида бўлган 606 гектар майдоннинг ўртача ҳосилдорлиги 8,4 центнердан ошмади. 5-6 центнердан ғалла олган фермерлар ҳам бўлди. Чори акадек шартнома мажбуриятини бажарган фермерлар бармоқ билан санарли.

Хуллас, Узун туманида фермерлик машаққатли касб бўлиб қолди. Катта бир орзу билан ерга эгалик қилган фермерларнинг кўпи йил натижасини кўришни ўйлаб ташвишга тушган. Шароит, эътибор ва ғамхўрлик бўлмагач, ким ҳам астойдил ишларди? Бунга Сурхондарё вилояти раҳбарлари нима дейишаркин?

Маъмуржон БОТИРОВ.

ТАДБИРКОР ДАЛАСИДА

Ботиржон Муҳаммадиев ёшлик йилларини Қатағон қишлоғида ўтказди. У қишлоқдаги ўрта мактабни тугаллагандан сўнг далага чиқиб меҳнат қилди. Кейинчалик Самарқанд Давлат архитектура олийгоҳига кириб, уни муваффақиятли тугаллади.

У кўпдан буён фермер хўжалиги ташкил этишни ўйлаб юрар эди. Ҳар томонини пухта ўйлаб, етти ўлчаб, бир кесиб 1996 йили деҳқон фермер хўжалиги тузиб ишлаш истагида туман раҳбарларига учрашди. Ботиржонга Яккабоғ туманидаги «Ҳақиқат» жамоа хўжалигининг лалми майдонларидан 18 гектар ер ажратилди. Дастлабки йилдаёқ ҳаракатлари яхши натижа берди. Фермер хўжалиги жамоаси пахта, дон, сабзавот етиштириш режаларини ошириб бажарди. Ўтган йили эса янада қувончли натижаларга эришилди. Йилни 1 миллиондан ортиқ соф фойда олиб якунладилар.

ДАРОМАД ҚАЛИТИ

— Даромадимиз баракали бўлганининг боиси шундаки, экинлар парвариши даврида минерал ўғитдан деярли фойдаланмадик, — дейди у, — ўрнига маҳаллий ўғит солдик. Ер озуқага туйиб, ҳосилдорлиги йил сайин кўтариляпти. Масалан, жорий йилда 8 гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан 53 центнердан дон йиғиб олдик. 9 гектар майдонга «Наманган-77» нав чигит экиб, ёз бўйи астойдил меҳнат қилдик, ҳозир ҳар туп ғўзада ўртача 20-22 тадан тўқ кўсак бор. Асосий қисми очилди. Ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнерга етказиш ниятидамиз. Шунингдек, жамоамиз аъзоларининг рўзғори учун бир гектар майдонга сабзавот экканмиз.

Тадбиркор савоб ишларни ҳам мунтазам ўтказиб туради. Қатағон қишлоғидаги қариялар, боқувчисини йўқотганлар, ногиронларга моддий ёрдам берилмоқда. Фермер хўжалигида бир кеча-кундузда 1 тонна донни ун қиладиган тегирмон ишлаб турибди. Қатағон қишлоғи аҳолиси учун автобус бекати мустақилликнинг 8 йиллик байрами арафаси қуриб битказилди. Саховатли фермернинг ниятлари кўп ҳали.

Хайрулла ТЎРАЕВ.

ТЕРАКЗОРДАГИ

ёхуд зоология институтининг вазифаси нима?

... Бу муттаҳам мўйловдор ўта ёмон чиқди! На «ўл»ни билади, на «қол»ни билади! «Улай-булай» десанг мўйловини ҳурпайтириб шундай тикиладики қараб туриб этинг жунжикиб кетади...

Устига-устак сираям тиним билмайди занғар! Кечами-кундузми, қачон қарамагин «ғивир-ғивир» у ёққа ўрмалайди, «ғивир-ғивир» бу ёққа ўрмалайди емиргани-емирган, кемиргани-кемирган! Биров бу ярамас еб тўймаснинг туйганиниям, ёрилиб ўлганиниям кўрган эмас. Очофатга егани юқади ҳам, асли қора бадани оқариб қорни бўғим-бўғим семириб, узала тушиб бир болалаб берса борми, кейин кўраверасиз! Илгари «ёмон қовуннинг уруғи кўп бўлади» дегич эдилар, энди «мўйловдорнинг уруғи кўп» десалар сираям адашмайдилар.

МУАММО

Ҳа, гап мўйловдор ҳақида, чинакам «мўйловдор» ҳақида бораяпти. Аниқроғи терак мўйловдори ҳақидаги бу гапни Моргузар тизмасининг бағрида, Жингичка қишлоғида яшовчи номдор овчи табиатшунос Улуғбек ака Норқулов топиб келди.

— Ҳозирги пайтда нима сабабдандир «мўйловдор»нинг ҳужуми кучайиб кетди. «Бу терак, бу тол», деб танламай қўйди, ишонсангиз тушмаган дарахти қолмади ҳисоб, — дейди Улуғбек ака Норқулов. — Авваллари чўл ҳудудларида учрагувчи эди, энди тоқ-қаям чиқиб кетди. Йўғонлиги билакдай бўлган дарахт зоти борки мўйловдорнинг бос-қинидан қуруқ қолмаяпти, ишонсангиз умримда кўрмаганим ёнғоққаям, ҳатто арчагаям кўз олайтираяпти ёки номард!

«Терак мўйловдори»нинг исми ҳақиқатан ҳам жисмига монанд. Қўнғирсимон танасининг узунлиги 3-4 сантиметр бўлгани ҳолда мўйловининг узунлиги 7-8 сантиметр келади, тушган жойиданоқ, танасининг йўғонлигида тешиб из қолдириб кетаверади. Роса етилгани чинчилокдай-чинчилокдай бўлиб, ўта очофатлиги билан ном қозонган. Бир кеча-кундузда иккитагина қурт танаси бир қучоқлик теракни «арралаб бериши» ҳеч гап эмас.

Моргузар тоғининг бағрида Ёнғоқли ота деган кўп ғаройиб ғўша бор. Ишонсангиз, бир ёнғоқ салкам бир қишлоқнинг ўрнини эгаллаган. Узоқ йили бундан ўн йиллар бурун Қирғизистон Фанлар Академиясининг бир гуруҳ ҳашоратшунос олимлари билан реликт қўҳна ўргимчакларни излаб ана шу Ёнғоқлиотада бўлган эдик. Олимлар бу ноёб ёнғоқ дарахтининг ёшини минг йилдан зиёд деб аниқлаган эдилар. Бир тана тўрт-беш бўлакка бўлиниб йиқилиб, ерни «тирсаклаб» яна ўрнидан туриб кетаверган, дейсиз. Ўша ёнғоқда ҳам бугун мўйловдор босқинчи пайдо бўлганмиш!? Наҳотки, минг йиллик азамат Ёнқоғобо бу қуртга тоб беролмаса?

— Тоб беролмайди! — дейди Улуғбек ака. — Мўйловдор бир тушдими безовта қилмасангиз албатта қуритади. Кейинги учтўрт йил ичида «мўйловдор»дан ҳам сурбетроғи пайдо бўлди! — Фиғони янаям тутаб кетди Улуғбек аканинг. — Қорамтир-қўнғир рангли танаси йилтиллоқ-шиллиқ бу қуртни илгари ҳеч ҳам кўрмаганман ёки эътибор қилмаган эканман. Катталиги бир сантиметр бор-ов, бу йил айниқса «қилмиш»га минди, мевали дарахт деганининг тахминимча 30-35 фоизига тушди.

Ҳа, ана! Унда-бунда боғбон-у соҳибкорлардан кейинги пайтларда айниқса ўрик ва олманинг ҳамда бошқа мевали дарахтларнинг барглари илма-тешик қилиб ва ҳатто бутунлай тўкиб ташлаётган «шилliққурт» ҳақида ташвишли гаплар эшитиб турганимиз бежиз эмас эканда!

— Мевали дарахтларнинг танасида пайдо бўлган оқ қурт ҳақида эшитганмисиз? — сўрайман Улуғбек акадан.

Ҳа, ана шу ҳақдаям айтиб бераманда, — ёниб кетади ўрмончи. — Шу йилнинг ёзи-

РУҲИЯТ УЙҒОНДИ, ТУШКУНЛИК БАРҲАМ ТОПДИ

Бир вақтлар ингичка толали пахта етиштиришга ихтисослаштирилган ва бу борадаги юқори натижалари билан ҳатто вилоятда машҳур бўлган Шофиркон туманидаги Бобур номли жамоа хўжалиги 4—5 йил аввал инқирозга юз тута бошлади. Хўжалик бошқарувининг ўз ҳолига ташлаб қўйилиши, ўзибўларчилик, бепарволик ҳолатлари туяни игнанинг тешигидан ўтадиган қилиб қўйди. Икки йил аввал туман раҳбарлари бу инқироз сабабларини обдон ўрганишди. Барча хато ва камчиликлар бошқарувда эканлиги аниқланиб туман ҳокимининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари, янгиликка интилувчи Шуҳрат Тўраев ушбу хўжалик ташқи бошқарувчиси этиб тайинланди. Хўжалик санацияга тушди. Мухбиримизнинг санация нима берди деган саволига у қуйидагиларни гапириб берди.

САНАЦИЯ НИМА БЕРДИ?

— Санациялаш корхоналарни иқтисодий таназзулдан чиқаришнинг муҳим воситасидир. Иккинчи йилдирки, хўжалигимиз шу асосда иш олиб бормоқда. Санацияга ўтилган дастлабки кунлардан бошлаб биз нималарга эътибор бердик? Аввало, бошқарув тизимини такомиллаштириш берилган ишга аҳаъзоларини аъзоларининг сони қайта кўриб чиқилди. Бошқарувда ортиқча лавозимларда банд бўлган 18 нафар киши қисқартилди.

Деҳқончиликда оила пудратига кенг йўл очиб берилди. Майдонлар узоқ муддатга контур асосида тарқатилди. Хўжалик ишлаб чиқаришида харажатларни кескин камайтириш учун чек системаси жорий этилди. Пудратчи бажарилган ишга қараб чек ёзиб беради. Бунда ортиқча чиқимларга йўл қўйилмайди. Ҳар бир ишлаб чиқариш тармоғига биттадан ҳисоб-китоб ходими жалб этилиб, сарф-харажатлар ойма-ой назорат қилиб борилди.

Бир йилдаёқ кўрилган тадбирлар ўз самарасини берди. 1997 йилга нисбатан ёнилғи-мойлаш материалларидан 366 тонна, уруғлик чигит сарфи 83 тонна тежалди. Хўжаликда дон сотиш 108 фоизга, пахта тайёрлаш режаси 126 фоизга бажарилди. 1997 йилга нисбатан 1241 тонна кўп пахта етиштирилди. Фақат пахтачиликнинг ўзидан 88,8 миллион сўм даромад олинди. Бу 1997 йилга нисбатан 50 млн. сўм кўпдир. 1997 йилда 1 гектар пахта майдонидан 41 минг 886 сўм даромад қилинган бўлса, 1998 йилда бу кўрсаткич 95 минг 852 сўмга етди. Бир гектар ерга иш ҳақи 21 минг 154 сўмдан 58 минг 690 сўмга кўтарилди. Барча соҳалардан 1997 йилда 67 миллион сўм даромад олинган бўлса, бу рақам 1998 йилда 116,9 миллион сўмга етди.

Шунингдек, ғалла етиштиришда ҳам туб бурилишга эришилди. 1997 йилда 490 тонна дон ишлаб чиқарилган эди. 1999 йилда минг тонна ўрнига 1375 тонна дон етиштирилди. Фақат ғаллачиликнинг ўзидан жорий йилда 28 миллион сўм даромад олишга эришдик. Бунинг 3 миллион сўми соф фойдани ташкил этади. 306 тонна дон хўжалик аъзоларига натура, иш ҳақи, мукофот сифатида тарқатилди.

Ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларида ҳам ана шундай қувончли натижалар қўлга киритилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, хўжалик аъзоларининг аввалги йиллардан қолиб кетган иш ҳақлари батамом тўлаб бўлинди. Бундан ташқари хўжалик ҳисобидаги кредитор қарзларнинг бир қисми ҳам тўланди. Ҳолбуки, санация шартномаси бўйича бу қарзларни тўлашга 2001 йилдан киришишимиз керак эди.

Бу ютуқларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг ёрқин самарасидир. Бу йил хўжалигимизда 4 минг тонна пахта етиштириш учун қизғин ҳаракат боряпти. Шубҳасиз, бу юксак марра ҳам эгалланади. Чунки, хўжалик аъзоларининг руҳи тетик. Улар Ватанимиз мустақиллиги йўлида белларини маҳкам боғлаб, меҳнат қилмоқдалар.

Дилмурод ЖАББОР,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Нишон туманидаги «Пахтаобод» кооператив-ширкат хўжалиги далаларида оқ олтин йиғим-терими кундан-кун авж олмоқда. Хўжалик пахтакорлари режани қисқа фурсатда бажариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Меҳнат баҳсида Сойиб Исматов бошлиқ бригада заршунослари олдинда боришяпти.

СУРАТДА: бригада саркори Сойиб Исматов, илғор теримчилар Аширгул Исматова ва Ноэлия Зоировалар.

Абдурасул ПАРДАЕВ олган сурат.

ПАХТАЗОР ШУКУҲИ

Моҳичехра гўзал манзара мафтуни. У бугун ҳам эрта тонгданоқ пахтазорга етиб келди. Тетик руҳ билан этагини боғлаб саноқсиз дурларни бирма-бир йиғиштириб олишга киришди. Қўйш тоғлар ортидан кўтарилганда чевар теримчи икки марта этак бўшатди. Кун бўйи астойдил меҳнат қилди. Чевар теримчининг терган бир кунлик пахтаси 125 килограммни ташкил этди.

ХИРМОНГА БАРАКА

Бу моҳир теримчи Яккабоғ туманидаги «Ҳақиқат» жамоа хўжалигининг бош ижарачиси Катров бошқараётган жамоа аъзомавсумнинг дариданоқ пешқадамлар сафидан ўрин олиб, кунига 125—130 килодан оқ олтин териб хирмонга барака киритяпти.

— Жорий йилда дон, сабзавот ва полиз экинлари етиштириш билан бирга 41 гектар майдонда гўза парваришладик. Гектаридан 35 центнердан ҳосил олиш ниятидамиз, — дейди К. Бойназаров. — Мавсум уюшқоқлик билан ўтиши учун бизда ҳамма шароит етарли. Кунига йиллик режанинг салкам уч фоизи миқдорида хом ашё топширяпмиз. Йиғим-терим ишларида айниқса Моҳичехра Жўраева, Соҳиба Бойматова, Жонбиби Қорахонова, Ҳулкар Қаҳҳорова, Сожида Умировалар жонбозлик кўрсатишяпти уларнинг ҳар бири ҳозиргача 4—5 тоннадан пахта териб қўйишди.

Дала айланиб Тўра Худойқулов, Шавкат Худойқулов, Шоди Шомуродов бош ижарачилик қилаётган майдонларда ҳам мўл ҳосил тўплаганлигининг гувоҳи бўлдик. Хўжалик пахтакорлари бу йил давлатга 1400 тоннадан ортиқ юқори навли ҳосил топшириш мақсадида фидокорона меҳнат қилишаётир.

Х. ТЎРАЕВ.

БИР КУНДА 10 ФОИЗ

Нарпай туманидаги А.Навоий номли жамоа хўжалиги 880 гектар пахта майдонига эга. Жорий йилда хўжалик пахтакорлари ялпи ҳосилни 2440 тоннага етказишни мўлжаллашган.

Айни кезда хўжалик 9-10 фоиз атрофида пахта топшириб йиллик режани 80 фоизга адо этишди.

Терилган пахтани давлат қабул пунктига ўз вақтида ташиб етказишда механизаторлардан Шуҳрат Рузиев, Эркин Қобулов, Нисим Ҳасановлар фидойилик кўрсатмоқдалар. Хўжаликнинг илғор теримчиларидан Моҳира Шодиева 190, Хурсанд Эшонкулова 170, Жамила Санаева 165, Меҳринисо Даминова 150, Васила Шарипова сингари теримчилар кунига 145 килограммдан пахта теришиб жамоадошлари ўртасида илғорликни қўлдан бермаётир.

— Биринчи беш кунлик якуни бўйича бу теримчи қизлар 5,5-6 минг сўмдан мукофот пули олишга муяссар бўлишди. Нобудгарчиликга йўл қўймай йиллик режани эрта-индин бажармоқчимиз-дейди хўжалик раҳбари Норбўта Ибодов. — Пахтакорларимиз ҳосил чўғини ҳисоблаб чиқишди. Режадан ташқари яна 800 тонна пахта тайёрлаб, ялпи ҳосилни 3240 тоннага етказиш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқдамиз.

Ўткир ПЎЛАТОВ.

ЯНГИ ҲОСИЛ ТОЛАСИ

«Навоийпахтасаноатсотиш» акционерлик бирлашмаси тизимидаги корхоналарда янги пахта ҳосилини қайта ишлашга киришилди. Хатирчи, Қизилтепа, Навоий пахта тозалаш заводлари ҳозирдаёқ 10 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» қабул қилиб олди. Янги ҳосилдан дастлабки 300 тонна тола ишлаб чиқарилди.

Бу йил вилоят пахта тозаловчилари 120 минг тонна ҳосилни қайта ишлаб берадилар.

Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири

ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ

СЎҚОҚДА ГАЗ ЁНДИ

Яқинда серқуёш юртимизда Мустақиллиқнинг 8 йиллиги тантаналари муносиб байрам қилинди. Отабоболаримиз асрлар мобайнида орзу қилган озодлик халқимизга нима берди? Бу саволга виждони пок, имони бут ҳар бир инсон ўйлаб жавоб берадиган бўлса истиқлол меваларини санаб адоғига етиш мумкин эмаслигини ҳис қилади. Қувонмай бўладими ахир, бундан ўн йилгина муқаддам паркентлик меҳнаткашлар хаёлига келмаган орзу истиқлол туфайли ҳақиқатга айланди. Бугун юзлаб хонадонда зангори оловда чой қайнатилиб, мазали таомлар пиширилмоқда. Оғири енгил бўлганидан айниқса аёлларнинг шодлиги чексиз. Шу кунларга етказганига шукроналар айтиш-мокда.

Узоққа бормайликда, мустақиллик йилларида аҳолини табиий газ билан таъминлаш бўйича пойтахт вилоятининг сўлим Паркент туманида бажарилган ишлар билан танишайлик. Муҳтарам Президентимизнинг аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик сув билан таъминлаш ҳақидаги Фармонлари ижросига бу туманда катта эътибор берилмоқда. Агар газлаштириш бўйича эришган ютуқларни 1991 йилга нисбатан солиштирсак, бундан 8 йил муқаддам Паркентнинг шаҳар ва қишлоқларида атиги 145 километр табиий газ қувури мавжуд бўлиб, зангори оловдан бор-йўғи 3668 хонадон бахраманд бўлган экан. 1999 йилнинг 1 январига келиб табиий газ қувурининг узунлиги 551 километрга, зангори оловдан фойдаланаётган хонадонлар сони эса қарийб 13 мингга етди.

Жорий йилнинг ўтган 8 ойида туманнинг чекка қишлоқларини газлаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Олти километр масофага табиий газ қувурлари тортилди. Жумладан, истиқлол байрами шарофати билан тоғ бағрида жойлашган Сўқоқ қишлоғида табиий газ машъаласи ёндирилди. Ушбу саъй-ҳаракатлар туфайли зангори оловдан фойдаланувчи хонадонлар сони яна 261 тага кўпайди. Бу муваффақиятларнинг қўлга киритилишида 107 кишини ўзида бирлаштирган Паркент туман газлаштириш идорасининг хизматчилари ҳиссаси катта.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ.

ЕРГА ЭГАЛИК ТУЙҒУСИ

(Боши 1-бетда)

бошқармаси негизида Ўзбекистон Республикаси ресурслари давлат қўмитаси ташкил этилди. Ҳудудий ер тузиш хизматлари негизида эса ер ресурслари вилоят бошқармалари тузилди.

Давлат қўмитасининг тузилиши барча ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ундан ижарада фойдаланаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тенг ҳуқуқлик асосида ривожлантириш учун шароит яратди.

Фарғона вилояти Ер ресурслари бошқармаси ҳам ўтган бир йиллик давр ичида дастлабки ижобий қадамларни қўйди. Бошқарма таркибида тўртта бўлим, туманлар ва шаҳарлар ер ресурслари хизматлари фаолият кўрсатмоқда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 299-сонли «Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга оид қонун ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) тузиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан ўтган йилнинг тўртинчи чорагида Бешариқ туманидаги «Рапқон», «Узбекистон», Тошлоқ туманидаги «Навбаҳор» жамоа хўжаликларини ширкат хўжаликларига айлантиришда мулкий пайларни ташкил қилишда ер майдонларини меъёрий баҳолари аниқлаб берилди. Худди шунингдек жорий йилнинг дастлабки чорагида вилоятнинг уттиз олтита хўжалигида юқоридаги ишлар амалга оширилиб жамоа хўжаликлари қишлоқ хўжалиги ширкатларига айлантирилиб, пайчиликка асосланган ҳолда ширкат хўжалиги аъзоларига ер майдонлари узоқ муддатли фойдаланишга берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида»ги қарори тарихий аҳамиятга эга. Қарорни изчил амалга оширишда ҳокимликлар билан ҳамкорликда давлат ер кадастрини юритиш бўйича аниқ тадбирлар белгиланди. Албатта вилоят ер ресурслари бошқармаси зиммасидаги вазифа ўта масъулиятли эканини ҳар бир ходимимиз ҳис қилаётгани ижобий мевалар бераётир. Тупроқнинг унумдорлик жиҳатидан баҳоласа, яъни унинг балл бонитетларини аниқлаш бу деҳқонга ғамхўрликдир.

Ўтган давр мобайнида аҳоли яшаш жойлари яқин майдонларда фуқароларга уйжой учун ер ажратилиши, янгидан ерлар ўзлаштирилиши, мавжуд илгаридан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ўзгаргани тупроқни сифат жиҳатидан қайта баҳолаш ниҳоятда зарур бўлиб қолган эди. Чунки деҳқоннинг меҳнатини тупроқ унумдорлигига қараб белгилаш ривожланган давлатлар тажрибасида ўзини оқлаган. Яъни тупроқ унумдорлиги паст бўлган ерларда ҳар қанча меҳнат қилинганлиги билан унумдор тупроқли ердаги деҳқон меҳнати ва олинган ҳосили бир хил бўлмайди. Тупроқнинг балл бонитетлари аниқланиши деҳқонлар меҳнатига адолат тамойиллари билан ёндашувчи тарози бўлиб хизмат қилади. Вилоятда махсус лабораториялар ёрдамида тупроқнинг балл бонитетларини аниқлаш ишларини йилнинг охирига якунлаш режалаштирилган.

Ерларни фермер хўжаликларига, деҳқон хўжаликларига бериш, қишлоқ хўжалик ширкатларида оила пудрати асосида ерларни тақсимлаш шу хўжаликнинг ҳолатига боғлиқдир. Шу мақсадда Фарғона, Кува ва Фурқат туманларининг барча хўжаликлари янги нусхадаги тупроқ хаританалари билан таъминланди, вилоятнинг қолган туман ва шаҳарларида бу борада ишлар якунланиш арафасида турибди.

Давлат ер кадастрини ташкил этиш ва юритиш, ерга бўлган ҳуқуқни рўйхатга олиш, ҳокимият органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ерларни табиий, хўжалик ва ҳуқуқий режими, уларнинг тоифалари, ер участкаларининг қаерда жойлашганлиги ва ҳажмлари, уларнинг ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар бўйича тақсимланиши тўғрисида ҳақконий маълумотларни ҳужжатлаштириш бошқарманинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Вилоят бўйича 256 минг гектар суғориладиган экин ерлари мавжуд бўлиб, вилоят аҳолиси жон бошига ҳисоблаганда 0,10 гектарга тўғри келади. Йиллик табиий ўсишни ҳисобга олсак, суғориладиган ерларга бўлган муносабат, уларни асраш, маҳсулдорликни ошириш муҳимдир. Келажак авлод манфаатларини кўзлаб ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Ерга эътиборсизлик — элга эътиборсизлик деб кексалар бежиз айтишмаган.

Вилоят Ер ресурслари бошқармаси ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини ташкил қилиш борасида ҳам бир қатор ишларни амалга оширди. Ерлардан самарасиз фойдаланаётган ва уларга хўжасизларча муносабатларда бўлаётган айрим ташкилот ва жисмоний шахсларга кескин чоралар кўрилаётир.

Жорий йилнинг етти ойи мобайнида 42 та жисмоний ва юридик шахслар Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси талабларини бузганликлари аниқланди. 739 га ер майдони аниқланиб 25 ҳолат юзасидан далолатномалар тузилиб, ҳуқуқ-тартибот идораларига маълум қилиниб, бу идоралар ёрдамида қонун бузилиш ҳолатлари бартараф этилди.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик жамияти Фарғона бўлимига қарашли «Қўштепа» ёрдамчи хўжалиги ерлари ўрганилганда ихтиёридаги майдоннинг 304 гектаридан самарасиз фойдаланганлиги аниқланди. Қўпол хатоликларга йўл қўйилгани боис ерларга эгалик қилиш ҳуқуқи тўхтатилди. Шунингдек Марғилон педагогика билим юртига қарашли ёрдамчи хўжаликда 5 гектар, Фарғона тўқимачилик комбинатига қарашли ёрдамчи хўжаликда 62 гектар еридан самарасиз фойдаланган.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлиги паст ерларни тупроқлаш ва коллектор-зовурлар қазиш юзасидан ҳам Ер ресурслари давлат қўмитаси томонидан белгиланган режа асосида ишлар олиб борилмоқда.

Мустақиллик шабадаси туфайлигина ерга муносабат ўзгаргани, деҳқон ўз замини эгаси эканини ҳис этишининг ўзи тарих зарварақларига ёзса арзигулик воқеа бўлди. Ерни боқсанг ер сени боқади дейилгани бежиз эмас.

Муроджон МАМАДИЕВ,
Фарғона вилояти ер ресурслари бошқармаси бошлиғи.

ЗАМОН — ЁШ ОЛИМЛАРНИКИ

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида ёш олимлар билан учрашув ўтказилди. Вазирлик мутахассислари ва ёш олимлар ўртасида бўлиб ўтган мулоқотда мамлакатимизда ислоҳотларнинг бориши ҳақида фикр алмашилди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Б. Олимжонов учрашув сўнгида фан оламига қадам қўйган ёш олимлар ишига омад тилади.

Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.

«МЎЙЛОВДОР»

ни бутунлай сафарда ўтказдим. Артур Григорьевич Нурижанов деган зоолог олим ҳамроҳим бўлди, аввалларо Зоология институтида илмий ходим бўлиб ишлаган. Институт ҳозир «тўхтаб қолган», шу сабабли дўстим «собиқ олим»га айланган.

Хуллас ўша Артуржон билан аввалига Қорақалпоғистонда — Судочье қўлида, Бодайтўқайда ҳавозали тўр тутиб қуш ушлаб кўрдик. Фидойи олим эмасми, бечора неча замонлардан бери ҳалқаланган қушлар ва улар учиб ўтган йўлларини яшаш манзилларини ўрганади.

Хуллас. Судочьедаёқ қизиқ бир ҳолатга дуч келдик. Тўримизга тушган ва биз «дуруллак» деб атаганимиз «кўчар чумчуқ»ларни ушлаб ёриб, ўрганиб кўриб ҳар ўнтадан тўрттасида майда оқ гижжаларга дуч келдик...

— Газли шаҳрига яқинроқ жойдаги қайрағочзорларда тутган тўримизга ҳам шундай чумчуқлар тушди, яна ёриб кўрдик — 12 чумчуқдан 5 тасининг ичагида ўшандагиданда майдароқ оқ гижжалар чиқди. Ҳайратимиз янада ошди. Нима бало бутун «дуруллак»ларни гижжа босдими?

Сўнгра «Нурота» хўжалигида ва Зомин туманининг Моргузор тоғлари этагидаги Бешкуби қишлоғи ҳудудида кўтарган тўрларимиз ҳам юқоридаги саволни баттарроқ кўндаланг қўйди.

... Артуржон билан Улуғбек ака «кўчар-чумчуқ»лар кетидан салкам икки ой сарсон бўлдилар. Маълум бўлишича «дуруллак»ларга гижжалар заррача бўлсин заҳмат етказмас, аксинча бундай гижжали чумчуқлар янада ҳаракатчан, «еб туймас» очофатларга айланар экан. Ҳатто чумчуқларнинг популяцияси — сони кескин кўпайишга қандайдир жиҳатдан маълум омил яратар ҳам экан. Кейинги икки уч йилда бу чумчуқлар ғалланинг айни думбул пайтида чинакам душманига айланди қолди, сут бошоқни сўриб ташлайди, номард!

Яна гижжа масаласига қайтсак, пичанзорга тушган қуш ахлатини ўт билан қўшиб истеъмол қилган чорванинг касалланиши аниқ. Унинг сутидан ҳам, гўштидан ҳам фойдаланишни энди ўйлаб кўриш керак бўлади! Ҳа, айтганча бундай гижжалар Арнасойда ўрдакдаям бор эмиш, демак балиққаям гижжа тушиши рост гап!? Ахир Зоминсойда тоғ қорабалиқларида ҳали ҳозир ҳам оқ гижжалар топилаяптику!

Хуллас, терик мўйловдори, нотаниш шилliққурт ва чумчуқ танасидаги гижжа ҳангомаси табиий равишда бир қатор муаммоларни ва шундай муаммолар ечими билан боғлиқ саволларни ўртага қўяди:

— Чинданам ҳам бу қурт ва гижжаларнинг табиатга ва борлиққа зиҳмати бонг уришга арзийдими?

— Бу паразит жонзодлар ва улар келтириб чиқариши эҳтимоли бўлган «қилмиш»лар фанга маълумми?

— Маълум бўлса уларнинг табиатга ва жамиятга зараркунандалиги нечоғлик?

— Зараркунандалиги рост бўлса уларга қарши қураш методикаси борми? Йўқ бўлса бундай методикани ким ўрганади, ишлаб чиқади, тарғиб қилади?

— Алалхусус, табиат қушандаларига қарши ким курашади ва бу кураш қандай ташкил этилади?

Хуллас, шу каби саволларга жавоб топиш жудаям зарурга ўхшаб қолди. Тегишли мутасадди муассасалар, айнан шундай илмлар билан шуғулланувчи олимларнинг фикри ва мулоҳазаси айни дамда жудаям зарур деб ҳисоблаймиз.

Қолаверса, ўша зоология ва паразитология институти ҳозир ҳам борми? Бор бўлса нима иш билан шуғулланмоқда, йўқ бўлса «теракзордаги мўйловдор» билан ким гаплашиб қўяди?!

Ана шунақа! Биз кўтарган мавзу сизни қизиқтирган бўлса ва жилла бўлсин ташвишга солган бўлса, биз ўз вазифамизни бир қадар, аниқроғи бир қисминигина адо этдик, деб ҳисоблаймиз. Хуллас «мўйловдор» ҳақидаги суҳбатимиз эндигина бошланди...

Оға БУРГУТЛИ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

БАНК ВА МИЖОЗ

МАДАДКОРМИЗ

Паркент тумани пойтахт вилоятининг чекка худудида жойлашган. Масофа шаҳардан анча олис. Шунга қарамай туманда хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик ҳаракати ҳар жиҳатдан ривож топмоқда. Бунда «Тадбиркорбанк»нинг туман бўлими ҳиссаси салмоқли бўлаяпти. Банк бошқарувчиси Иброҳим Салимов бу ҳақда мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Бугунги кунда биз билан ҳамкорликда иш олиб бораётган мижозларимиз сони 500 нафарга етди. Уларнинг аксарияти асосан ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида пайдо бўлган янги мулкдорлар ҳисобланади. Мана шуни назарда тутган ҳолда биз аввало ҳамкорларимизни ҳар жиҳатдан қуллаб-қувватлаш ва уларга зарур иқтисодий ёрдам бериш йўлидан бораяпмиз. Қолаверса «Тадбиркорбанк»ларнинг асосий вазифалари ҳам биринчи навбатда ривожланиб келаётган мана шундай мулкдорлар фаолиятига яқиндан иқтисодий ёрдам беришдир. Бунинг учун мижозларимизга намунали хизмат кўрсатиш борасида етарлича шарт-шароитга эгамиз. Банкимизда иш юритиш тизими тўла компьютерлаштирилган. Тадбирларни амалга ошириш тезкор йўлга қўйилган. Муҳими, мижозларимиз малакали ходимларимиз ишидан мамнун бўлишмоқда. Албатта, банк танлаш ихтиёри ва ҳуқуқи мижозларнинг ўзларига берилган. Бугунги кунда уларнинг кунглини олиш осон эмас. Бунинг учун биринчи навбатда ўзаро ҳамкорлик, томонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиш асосида бўлиши керак. Шунда мижозлар манфаати ҳамиша устивор бўлади.

Ўтган қисқа давр мобайнида мижозларимизга 19 миллион 200 минг сўмлик кредит берилди. Ушбу маблағнинг аксарияти туманимиз аҳолисига озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келиш учун сарфланди. Айни вақтда 180 дан зиёд фермер хўжаликларини моддий қуллаб-қувватлаш борасида ҳам астойдил иш олиб бораяпмиз.

Тумандаги «Ерқин» ва «Миралим» фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш мақсадида уруғлик картошка харид қилиш учун қарз сўраб мурожаат қилган эдилар.

Биз улар тақдим этган бизнес режаларини ўрганиб чиқиб, мижозларимиз талабини тўла қондирдик. Ҳозир банкимиз томонидан берилган иқтисодий ёрдам туфайли ҳар иккала фермер катта майдонда картошка етиштирмоқда. Шунингдек, туманимиздаги «Олтин нур» деҳқон хўжалиги ҳам бизнинг кўмагимиз билан бугунги кунда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш мақсадида қорамоллар парвариш қилмоқда. «Холис» фермер хўжалиги эса уч йил муддатга олган 2 миллион сўм қарзи эвазига янги ер ўзлаштирди. Иссиқхона қуриб, турли хил маҳсулотлар етиштира бошлади.

Мижозларимиз орасида хорижий ишбилармонларнинг ҳам борлиги бизни қувонтиради. Хусусан, Заркент қишлоғида Паркент ЛТД корхонаси Швейцария билан ҳамкорликда «Паркент» номли минерал сув ишлаб чиқармоқда. Туман меҳнат биржаси — «Истиқлол — Меҳнат» қўшма корхонаси тузиб томат маҳсулоти ишлаб чиқаришга асос солди. Бундай қўплаб истиқболли корхоналар билан ҳамкорлик қилиш банкимизда ҳукуматимизнинг нақд пул эмиссияси тўғрисидаги қарорининг бажарилишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳар ойда нақд 20 миллион сўм пул туширишга эришяпмиз. Мазкур маблағ асосан бюджет ташкилотлари ишчи хизматчиларининг маош ва нафақаси учун сарфланмоқда. Бу борада белгиланган режалар 129 фоизга уддаланди. Ёки белгиланганда 41 миллион 529 минг сум куп нақд пул тушумини таъминлашга эришдик.

Мижозларга намунали ва тезкор хизмат кўрсатишда банкимизнинг Мирилёс Мирдадаев, Акмал Зоҳидов ва Умида Бадалова сингари касбига фидойи ходимлари ҳамкасбларига ибрат бўлишяпти. Биз ҳамкорларимиз сонини ошириш ва хизмат сифатини янада яхшилаш учун астойдил ҳаракат қиляпмиз. Мақсадимиз бу борада ҳаҳон талаблари даражасига чиқишдан иборат.

Суҳбатдош
Иброҳим ТОШЕВ.

Курраи заминда

● ПАРИЖ. Франция шу йилнинг 11 август куни юз берган қуёш тутилишини махсус кўзойнакларсиз томоша қилган етти кишининг кўзи ожиз бўлиб қолгани аниқланди. Кўз пардасининг шикастланиши натижасида юзага келган ожизликни бартараф этиш учун энди уларга ҳеч қандай восита ёрдам бера олмайди.

Умуман олганда, қуёш тутилишини кузатганлардан юз йигирма икки нафарининг кўзига зарар етган. Улардан ўттиз бештасининг кўриш қобилияти тикланди. Бундан ташқари, яна саксон нафар жароҳатланганларнинг кўзини бутунлай тузатиш имкони бўлмади.

* * *

● СИДНЕЙ. Австралиянинг «Куонтас» авиакомпаниясига қарашли самолёт Банкок аэропортига қўнаётганда, унинг олди ғилдиракларига зарар етди. Маълумотларга қараганда, Сидней — Банкок — Лондон йўналишида парвоз қилаётган «Боинг — 747» русумли самолёт кучли шамол қаршилигига учраб, қўниш йўлакчасидан чиқиб кетган. Самолётдаги тўрт юз етти нафар йўловчи Банкок меҳмонхоналарига жойлаштирилди. Уларнинг ҳеч бирига зарар етмаган.

Парвозни давом эттириш учун «Куонтас» авиакомпанияси бошқа самолёт юборди.

* * *

● АБУ-ДАБИ. Афғонистонда Аҳмадшоҳ Масъуд қўшини толибларни айрим ҳудудларда суриб чиқариш учун мамлакатнинг икки вилоятида ҳаракат бошлаган эди. Тўрт кунлик оғир жанглардан сўнг А. Масъуд қўшинлари Фараҳ вилоятидаги юз эллиқта, яна бошқа йигирма саккизта қишлоқни толиблардан озод қилди. Жангларда ўнлаб толиблар ўлдирилди ва эллик нафари асир олинди. Энди А. Масъуд қўшинларида бошқа стратегик аҳамиятга эга бўлган жойлар учун курашиш имконияти пайдо бўлди.

* * *

● ПЕКИН. Хитойнинг Шинжон — уйғур мухтор туманида зилзила юз берди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, унинг кучи рихтер ўлчови бўйича 5,1 баллни ташкил қилган.

Талофатлар ва қурбонлар ҳақида маълумот йўқ.

* * *

● МОСКВА. Уралда қўл гранатаси билан савдо қилаётган ҳарбий хизматчилар гуруҳи қўлга олинди. Олинган маълумотларга қараганда, аскарлар жанговар қўл гранаталарини ҳарбий машқлар давомида ўғирлаган.

Ўғрилар устидан жиноий иш қўзғатилди.

(ЎзА).

ЎЛИБ, ТИРИЛГАН ОДАМ

(Боши 1-бетда)

марҳум тобутга чўнқайиб ўтирган ҳолда, гўё ҳеч нарса бўлмагандек, юзидаги ёмғир томчиларини кафти билан артаётган эди.

Бироздан кейин ҳушига келган гўрковлар, таъзияга келганлар қўрққанларидан ўтакалари ёрилиб қочишга тушдилар. Антон отахон эса ҳозиргина ўзини елкаларида кўтариб ўтган кўчадан бамайлихотир уйи томон йўлга чиқди. У оиласига қайтиб келгач, ҳайратомуз воқеалар бўлиб ўтади. Болалари, неваралари бу ўша ўзларининг боболари, оталарими, ёки, бошқами, ишонқирамай анчагача унинг қўллари, оёқлари, билакларига қўрқа-писа қўл теккизиб кўрадилар...

Қизи Нонанинг гувоҳлик беришича, анчадан кейин отаси нима бўлганини гапириб берган. У ўзининг «ўлганидан», қабристонга келтирилганлигидан бутунлай бехабар бўлган. Юзига ёмғир томчилари тушгач, сесканиб кейин кўзини очган. Кўрсаки, тобутда ётипти. Шундагина «ўлди»га чиқаришганини билган ва кўрқиб кетиб ўрнидан турган. Ўша пайтларда Антон ота 70 ёшни қоралаган эди.

Хўш, муъжиза сабабчиси бўлган Антон ота ким ўзи, Ойим қишлоққа қандай келиб қолган? Яқинда номи зикр этилган қизи Нона Антоновна билан учрашиб юқоридаги ғайри табиий воқеа ва оиланинг кечмиши ҳақида суҳбатлашдик:

Антон Величко асли литвалик бўлиб Вильнюс вилоятининг Каунас шаҳрида бадавлат оилада туғилган. Отаси шаҳарнинг ишбилармон, тадбиркор бойларидан бўлиб ўғлига ундан тўқимачилик корхонаси, қишлоқда каттагина ер, чорва фермаси, тегирмон, пишлоқ цехи мерос бўлиб қолган.

Антон ота улғайгач, бойбадавлатман деб кўкрак кермайди. Дурадгорлик, қошинкорлик, ойнак сўзлаш, бинокорлик ҳунарларини эгаллайди. Ишлари юришиб сармояси орта бошлаганда, Россиядаги инқилоб тўлқинлари Литвага ҳам етиб келади.

«Қизиллар террори» авж олади. Бошқа сармоядорлар қатори Антон Величко ҳам мол-мулкидан маҳрум этилиб халқ душмани деб эълон қилинади. Каттагина сармоя топиб, Андижон шаҳридан бошпана топади. Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кичик корхонани ишга туширишь билан дарҳол таъқибга учрайди. «Оқ пошшонинг думи»га чиқарилиб мол-мулки мусодара қилинган ҳолда Андижондан ҳам ҳувғин қилинади. Сабаб, Туркистонда, жумладан Андижонда ҳам ҳокимият большевойлар қўлига ўтган бўлиб, мулкдорларни ёппасига тугатиш авж олганди.

Литвалик муҳожир қишлоқда жон сақлашни маъқул кўради. Негаки, одамларга аралашиб кетиб ўнчалик кўзга ташланмаслик мумкин. Шу йўл билан Величколар оиласи Ойим қишлоққа келиб ўрнашади. Тақдирнинг ҳазилини қарангки, ўша йиллари «Коммунизм» номи билан аталадиган кўчадаги ташландиқ ҳовлида яшай бошлади. Турмуш оғир, топганлари қозон қайнатишга ҳам етмасди.

— Бу қандай замон бўлди? Ҳатто, қизимиз Ноничкани овқатлантиргани бир ютум сутга ҳам пулимиз бўлмаса? — деб хотини зорланади. Шунда Антон биров эшитмаслиги учун оғзини кафти билан беркитиб истеҳзо билан ҳазиллашарди:

— Қирғоғи кисель, ариғида сув ўрнида сут оқадиган «Коммунизм»да яшаяпмизку! Яна сенга нима керак?..

Орадан кўплар ўтиши билан Антон Величконинг тадбиркорлиги, ишбилармонлиги кўл келди. Топганига барака қириб асаларичилик билан шуғулланди, товуқ, ўрдак асрашни йўлга қўйди. Шундай қилиб ойимликлар хонаки ёрдамчи хўжалик ташкил қилишни Антон отадан ўрганганлар.

Эл хизматида юриб 70 ёшли бобога айланганини ўзи ҳам сезмай қолади. 1980 йилда юқорида айтганимиздек, муъжиза юз бериб, ўлиб-тирилади. Оллоҳнинг лутфи-марҳамати билан Антон Величко яна 10 йил умр кўради. Ниҳоят, 1990 йили ҳақиқий қазоюмуаллақ рўй беради, 80 ёшида оламдан кўз юмади.

Антон Величко авлоди ҳозир ҳам давом этмоқда. Катта қизи Мария Антоновна ҳозир нафақада, Андижондаги Пушкин кўчасида истиқомат қилмоқда. Кичик қизи Нона Антоновна шу кунларда Ойим қишлоқдаги Қаландаров номли мактабда ёшларга таълим-тарбия бермоқда. Антон отанинг ўлиб тирилганини ўйлар-канман, парапсихолог олим Р. Маудининг матбуотда эълон қилинган «Ҳаётдан кейинги ҳаёт» мақоласидаги воқеалар ёдимга келди. Олим ўзининг илмий текширишларида бундай воқеалар учраб туришини далил-исботлари билан ёзган.

Олий тоифали шифокор Рустамжон Турдиалиев бу ҳодисани шундай шарҳлайди:

— Бундай воқеалар кам бўлса-да, учраб туради. Антон Величкога келсак, у клиник ўлим ҳолатида бўлган.

Ҳакимлар тили билан айтганда юрак сезилар-сезилмас даражада ишлаб, миянинг ҳаёт фаолияти бутунлай тўхтамаган. Бундай шароитда инсон бошқалар кўзига «ўлган»дек кўринади. Христианлар одатига кўра; марҳум уйда уч кун сақланиши лозим. Худди шу нарса Антон отанинг ўлиб тирилишига имкон берган. Агар уни ўша куни дафн қилганларида кейинги ўн йиллик умрига зомин бўлишарди.

С. РЎЗМАТОВ

Нуротага «Чашмадан сув ичадиган шаҳар» деб таъриф беришган. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, «Чашма» Нуротанинг яқин-яқинларгача ягона сув манбаи бўлиб келган. «Чашма»нинг тарихи жуда қадимқадимларга бориб тақалади. Ҳозирда эса чашмани зиёрат қилувчилар ва унга қизиқувчилар тобора кўпайиб бормоқда. Республикамиз мустақилликка эришгач, кўпгина табаррук қадамжоларимиз қатори «Чашма» тарихий мажмуида ҳам бир талай хайрли ишлари амалга оширилиб, у қайта таъмирланди. Бу ерда мозийдан садо бериб турган «Катта гумбаз» ва «Чил устун» минорлари яна ўз қаддини тиклади. Ва бундан ташқари «Чашма» тарихий мажмуида ҳужралар қад ростлаган.

«Катта гумбаз» масжиди ҳозирги кунда музейга айлантирилган бўлиб, бу ерда Нуротанинг қадим ўтмишидан садо бериб турган осори-атиқалар, кўпгина экспонатлар жойлашган бўлиб, зиёратга келувчилар қадим Нуротанинг ўтмиши билан яна бир бор юзлашадилар.

СУРАТЛАРДА: «Чашма» тарихий мажмуининг умумий кўриниши ва зиёратчилар музей билан танишмоқдалар.

Абдурасул ПАРДАЕВ олган суратлар.

ЯХШИ ХАБАРЛАР

МИЛЛИЙ ФИЛЬМЛАР ҲАФТАЛИГИ

Самарқанд вилоятида 13—19 сентябрь кунлари ўзбек миллий фильмлар ҳафталиги ўтказилди. «Узбеккино» давлат акциядорлик компанияси тадбири ва вилоят ҳокими фармойишига асосан бу тадбирнинг ўтказилишидан мақсад миллий фильмларимиз таргиботини кучайтиришдир. Шу боис, Самарқанд шаҳридаги «Самарқанд», «Навоий» номли ва туманлардаги барча кинотеатрларда киномухлислар эътиборига «Тилсимой — гаройиб қизалоқ», «Кичкинтой табиб», «Севги», «Табиб», «Тилла бола», «Воиз», «Кетма» сингари ўзбек фильмлари намойиш қилинди.

КУВОНЧ ОҒУШИДА

Мустақилликнинг саккиз йиллик байрами тантаналари пахтачиликлар учун қўшалоқ қувонч келтирди. Яқинда туман марказий шифохонаси қошида «Тез ёрдам» тиббий манзилгоҳи қуриб битказилди. Уч нафар олий маълумотли ҳаким, ўн икки нафар ҳамшира, учта «Тез ёрдам» машинаси ушбу марказда аҳоли соғлигини сақлашдек эзгу ишда камарбаста бўлишяпти.

Шунингдек, туманнинг Ш. Назаров номли жамоа хўжалиги, Пулатчи маҳалласи ва Р. Маҳманов номли жамоа хўжалигида «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази бинолари фойдаланишга топширилди. Ушбу барча қулайликларга эга масканлар ҳашар йўли билан қурилди.

Энг қувончлиси, янги ўқув йилида туманда 300 талабага мўлжалланган тиббиёт коллежи иш бошлади. Янги коллеж олти хил мутахассислик бўйича малакали тиббий ходимлар тайёрлайди.

«САХОВАТ»ГА САХОВАТ КЎРСАТИЛДИ

Яқинда Самарқанд шаҳар «Саховат» уйида яшовчиларга вилоят ҳокимлиги, вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси ташаббуси билан дастурхон ёзилди. Сиёб туман маданият бўлими қошидаги «Суғдиёна» гуруҳи саньаткорлари «Саховат» уйида яшовчилар учун дилрабо қўшиқлар, жозибали рақслардан иборат концерт дастурини намойиш қилишди.

МУСАВВИР АЁЛЛАР КЎРГАЗМАСИ

Самарқанд давлат чет тиллар институтининг бадиий галереясида самарқандлик мусаввир хотин-қизлар асарларининг кўргазмаси очилди. Институт жамоаси ҳамда Узбекистон Бадиий академияси Самарқанд бўлими ҳамкорликда ташкил этган ушбу санъат кўргазмасидан ранг-тасвир, графика, аппликация, театр эскизи каби жанрларда 80 га яқин асар ўрин олган. Гулсара Розиқова, Малика Раҳимова, Елена Ларина, Ягуда Алиевалар асарларидаги ўзига хос бетакрор услуб айниқса кўпчилик мухлисларда катта таассурот уйготди.

М. ЗИЁДИНОВ.

«ЯНГИ ДУНЁ» ТАҚДИМОТИ

Париж, ЮНЕСКО. Яқинда ЮНЕСКО Бош қароргоҳида мазкур ташкилот томонидан нашрга тайёрланган «Янги дунё» номли китобнинг тақдимномаси бўлиб ўтди.

Асар ЮНЕСКОнинг 1998 йилда амалга оширила бошланган «XXI аср мулоқотлари» номли дастури мантиқий хулосаларини ўзида жамлаган бўлиб, унда жаҳон миқёсида катта нуфузга эга бўлган мутахассислар, Нобель мукофоти совриндорларининг қарашлари акс эттирилган.

Янги аср бўсағасида башарият олдида турган оламшумул муаммолар таҳлилига бағишланган мазкур фундаментал асарда инсонят тараққиётига тўсқинлик қилаётган табиий, ижтимоий, маданий ва маънавий соҳалардаги қийинчиликлар бугунги долгали дунёнинг энг мураккаб ва қалтис муаммолари сифатида ўрганилиб, уларни ҳал этиш йўллари таклиф этилади.

Халқаро эътирофга сазовор бўлган олимлар — Эдгар Морин ва Иля Пригогин иштирокида ўтган тақдимот маросимида ЮНЕСКО Бош Директори Федерико Майор «мазкур асар инсоният тараққиёти ва фаровонлиги йўлидаги масъулиятимизни англаб етишда муҳим восита бўлиши мумкин»лигини қайд этди. Маросимда сўзга чиққан аксарият нотиқлар китоб нафақат олимлар, балки давлат раҳбарлари ва сиёсий арбоблар учун ҳам аҳамиятли эканлигини таъкидладилар. Қувончлиси шундаки, асарда таҳлил этилган масалалар Президент Ислом Каримовнинг «Узбекистон XXI аср бўсағасида» номли китобида кўтарилган кўплаб муаммолар, олга сурилган қатор мулоҳазаларга моҳиятан жуда яқин келади.

«Туркистон-пресс»

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржаси, Сиз азизларга, 1999 йил 30 сентябрь куни соат 11.00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қўйилган, Тошкент шаҳри, Юнус-Обод тумани «Чимкент тракти»да жойлашган 2-сонли АЁҚШнинг сотиш шартлари ўзгарганлиги сабабли савдодан олинганлигини маълум қилади.

ЖАМБИЛ

Жамбилнинг таркибида хушбўйлик берадиган 2 фоизга қадар эфир мойи бўлиб, унинг 30-40 фоизини карвакрол, 20-30 фоизини парацимол, дицентен ва бошқа турдаги терпенлар ташкил қилади. Шунингдек, гиёҳда 4,15

ТАБИАТ ШИФОХОНАСИ

фоиз азотли моддалар 2,45 фоиз қанд, 8,60 фоиз клетчатка, 2,11 фоиз минерал моддалар бор.

Халқ табобатида жамбил сийдик ва тер ҳайдовчи, иштаҳа уйғотувчи омил сифатида, йўтал ва тумовга қарши, дизентерия, меъда катарида, бош оғриги, ичак фаолиятининг бузилишида тавсия қилинади. Бунинг учун 3 чой қошиқ миқдорида майдаланган жамбилнинг 2 стакан сув билан тайёрланган дамламаси истеъмол қилиниши лозим бўлади.

Халқ орасида ёзнинг айни саратон кунлари жамбилдан чалоб тайёрлаб ичиш одатдир. Жамбилли чалоб фақат татимли ичимлик бўлибгина қолмасдан, балки шифобахш ҳамдир. Чалоб тайёрлаш учун 200 г. қатиққа 500 г. миқдорида қайнатиб совутилган сув, бир чой қошиқ миқдорида майдаланган жамбил, райҳон, барра пиёз солиниб обдон аралаштирилади. Тайёрланган чалоб салқин жойларда сақланиши лозим.

Хонаки жамбил жуда беғубор гиёҳ бўлиб, экилган жойида тезда ўзини тутиб боғча, ҳовли ва гулзорларга файз киритади. Ўсимликни хона шароитида ўстирса ҳам бўлади.

(«Шифобахш неъматлар» китобидан)

КИРА ҲАҚИ ҚАЁҚҚА КЕТМОҚДА?

«Тошкент-Ховос» йўналишидаги поезд ҳар куни эрта тонгда пойтахтдан чиқиб, Қозоғистон Республикасининг Мақтаарал, Жетисой, Жиззах вилоятининг Мирзачўл, Дўстлик, Пахтакор туманлари ва Жиззах шаҳри орқали Ховос шаҳрига боради.

Мирзачўл тумани марказидан Жиззах шаҳригача поезд чиптаси 100 сўм, автобус чиптаси 200 ва митти автобуслар кира ҳақи 300 сўм. Дўстлик туманидан эса, поезд чиптаси 75, автобус чиптаси 150, митти автобуслар-у «Тико», «Дамас»лар кира ҳақи 240 сўм. Шу сабабдан ҳар иккала туман темир йўл бекатида йўловчилар ҳар куни тирбанд, камида 200-300 киши поезд кутади. Уларнинг поездга чиқиб, кузатувчиларга тўлайдиган пулларини ўзингиз ҳисоблайверинг.

ТААССУФ

Нега кузатувчиларга дейсизми? Чунки, бекатлар чиптахоналарида чипталар сотилмайди. Сотилган пайтларда ҳам йўловчиларнинг барчаси чипта олиши назорат қилинмайди. Агар Дўстлик туманидан 150 киши поездга чиқса, 22,5 минг сўм йўл ҳақи тўлайди. Борди-ю, бу пуллар поезд кузатувчиларининг киссасига эмас, бекат хазинасига тушса, туман бюджети шунчага бойийди. Агар бу миқдорни бир ойга кўпайтирсангиз, 675 минг сўм бўлади. Бунга поезднинг шу куни Тошкент шаҳрига қайтиш кира ҳақини ҳам қўшсангиз, туман ойига 2 миллион сўмдан зиёд зарар кўраётганини тушуниш қийин эмас.

Бу маблағ Пахтакор туман темир йўл бекатида янада катта миқдорни ташкил этади. Чунки, бу бекатдан Фориш ва Зафаробод туманларидан келган йўловчилар ҳам поездга чиқишади.

— Одамлар чипта олишмайди, — дейди Пахтакор темир йўл бекати хизматчиларидан бири. — Сабабини билмаймиз.

Билмасангиз, билиб қўйинг: поездга чиқувчиларнинг кўпчилиги тижоратчилар. Уларнинг қўлларида қоп-қоп юклари бор. Темир йўл қоидасига кўра йўловчилар юкларининг 36 килограммдан зиёдига пул тўлашлари керак. Вагонлар кузатувчилари уларга юклар учун «имтиёз» беришади. Ҳатто, мис, алюмин, латун, солярка, автол каби юкларини ўтирғичлар тагига яширишга кўмаклашадилар. Шу сабабдан улар чипта пулларини ана шу кеплкали амакиларга узатишади. Оқибатда миллион-миллион сўм кира ҳақи бюджетга эмас, чўнтакларга тушмоқда.

«Узбекистон темир йўллари» идораси раҳбарлари бунга оқилона чора кўриш ўрнига «Одамлар поездга чиқмай қўйдилар, шунинг учун чипта пули йўқ», — дейишмоқда. Худди шу баҳона билан «Тошкент-Бухоро» поездини тўхтатиб қўйишди.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ.

«ЎЗАГРОСУҒУРТА» КОМПАНИЯСИ

қишлоқ хўжалиги корхоналари ва қишлоқ фуқаролари хизматида

У қуйидаги йўналишлар бўйича хизмат кўрсатади:



- *Қишлоқ хўжалик корхоналари, деҳқон ва фермер хўжаликлари экинлари ҳосили, чорва моллари, боғлар ва узумзорлар, табиий пичанзорлар ва уларнинг асосий воситаларини суғурталаш;*
- *Аҳолига қарашли иморатлар, уй-жой, чорва моллари, транспорт воситалари, томорқадаги қишлоқ хўжалик экинлари ва дов-дарахтларни суғурталаш;*
- *Юкларни суғурталаш; корхона ва ташкилотларнинг мол-мулкларини суғурталаш;*
- *Аҳоли ҳаёти, болалар ва мактаб ўқувчиларини суғурталаш;*
- *Ишчи ва хизматчиларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш;*
- *Оила аъзоларини бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш ва бошқа суғурта турлари.*

Маълумотлар учун «Ўзагросуғурта»нинг барча туманлардаги бўлимларига ёки 133-29-51, 133-34-78 телефонлари орқали мурожаат этиш мумкин.

«АМАКИЛАР»НИНГ БАҲОСИ «ИККИ!»

Жиззах шаҳрида Пахтакор тумани томон кетаётган автобус ойнасидан атрофни кузатиб бораётган болакай ёнидаги оппоқ соқолли бобосига ташқарини кўрсатиб, деди:

— Бобо, қаранг, лотин алифбосида: «ER — XAZINA, SUV — ГAVHAR» деб ёзиб қўйибди. Бу нима дегани?

— Болажоним, «Эр» эмас, «Ер» деб ёзгандир?

— Йўқ, ўзим ўқидим — «Эр» деб ёзибди.

— Билмадим, — деди бобо носқовоғини белбоғидан олиб кафтига нос тўкаркан.

ЛУҚМА

— Қаранг, бобо, — деди яна болакай. — Ана, «ER TO'YMASA, EL TO'YMAS» деб ёзибди.

— Оббо, гаранг қилдинг-да, — деди бобо. «Эр тўймаса» деган гап йўқ. «Ер тўймаса» деган гап бор.

Болакайнинг ҳафсаласи пир бўлиб, маъюс ерга қаради. Мен уни гапга солгим келди:

— Нечанчида ўқийсан?

— Биринчида, — деди у.

— Лотин алифбосини «беш»га ўқийсанми, «тўрт»га?

— Ўқишим ҳам, ёзишим ҳам «беш», — деди у. — Боғчада ҳам фақат «5» олардим.

— Ҳафа бўлма, бу ёзувларни «беш»га эмас, «уч»га ўқиган амакиларинг ёзишган, — дея кўнглини кўтардим унинг.

— «Жиззах — Пахтакор» йўли четидаги бетон тахталарга битилган ҳикмат, мақол ва донолар ўгитларини ёзган кишилар мактабда неча баҳога ўқиганларини билмайман-у, лекин болакайнинг «беш»га ўқиётганига ишондим. Чунки у бошқа ёзувларда ҳам кўпгина хатолар борлигини бехато кўрсатиб борарди.

Агар ана шу ёзувларни ёзган кишилар лотин алифбосини ҳали ўрганмаган бўлсалар, бирор мутахассисга кўрсатиб олишганда «Ер» сўзи «YER» тарзида ёзилишини билиб олишар ва болакайдан таъна эшитишмасди.

Кўча, хиёбон, истироҳат боғлари ва бошқа жамоат жойларидаги битиклар кишиларни яхшиликлар сари даъват этувчи тарғибот-ташвиқотларгина эмас, балки ёшларни у ёки бу сўзни тўғри ёзишга ўргатувчи восита ҳамдир. Биз буни унутмаслигимиз керак.

Ж. КИМСАНБОЕВ.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

МУАССИСЛАР — *Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

Телефонлар: муҳаррир ўринбосарлари — 133-16-27, 133-44-43, масъул котиб — 133-09-93, ижодий гуруҳлар: агросаноат мажмуи — 136-54-51, ижтимоий ҳаёт ва ҳуқуқ — 136-56-30, молиявий хизмат — 136-56-36, макроиқтисодиёт — 136-56-25, маънавият-маърифат ва спорт — 136-54-51, хатлар ва вилоят мухбирлари билан ишлаш — 136-54-42.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

«Қишлоқ ҳаёти» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 00006. Буюртма Г—0716, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 22.00 1 2 3 4 6.